ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (13.189)

Баҳоси эркин нархда

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Қисқа мулоқотдан сўнг Хитой делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси давлат ташрифининг асосий тадбирлари 22 июнь куни бўлиб ўтади.

* * *

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифини Бухоро шаҳрини зиёрат қилишдан бошлади.

Бухоро Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган қадимий ва муқаддас шаҳарларидан. Бухорои шариф буюк алломалари, бетакрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган. Дунё аҳли, жумладан, хитойликлар Тошкент, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимиз қатори Бухоронинг ҳам жаҳонга машҳур меъморий ёдгорликлари билан танишишга ошиқади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтининг ташкил этилгани, Хитой миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими фаолият юритаётгани, Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилгани бу борадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан ҳамда Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётига, Хитойда ўзбек тили, маданияти, урф-одатларига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтказилаётган турли кўргазма ва маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитойнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти Хитой халқаро туризм ярмаркаларида мунтазам намойиш этиб келинмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Арк қалъасини бориб кўрди. Мазкур қалъа аждодларимизнинг буюк даҳоси, мамлакатимиз илм-фанининг чуқур илдизларидан далолат беради. Олий мартабали меҳмонга ушбу обиданинг тарихи, юртимизда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожи ҳақида маълумот берилди. Си Цзиньпин бу муҳташам обида ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Олий мартабали меҳмон Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилди. Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра бетакрор обидадир. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган. ХХР Раиси ушбу иншоот билан танишар экан, ана шундай мўъжизакор мақбарани барпо этган аждодларимиз даҳосига юксак баҳо берди.

Хитой раҳбари Пойи Калон мажмуида бўлди. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан мазкур мажмуа тубдан таъмирланди. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу меъморий ансамбль олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Си Цзиньпин Бухоро ипак гиламлари кўргазмалар залида қўли гул ҳунармандларимиз тўқиган ноёб буюмларни кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрини кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнунлигини билдирди. Бухоронинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий мероси, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинининг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА махсус мухбири



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида навбатдаги битирувчиларга диплом ва ҳарбий унвон топшириш бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бошлиғи Ҳ.Маматов ва бошқалар мамлакатимизда ички ишлар тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги, бунинг самараси ўлароқ бугун соҳада замонавий билим ва касб кўникмаларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори, халқимиз осойишталиги йўлида муносиб хизмат қиладиган кадрлар тайёрланаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирда Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида Ички ишлар вазирлиги ва Қуролли Кучларнинг бошқа тизимларига бешта мутахассислик бўйича офицер-кадрлар тайёрланмоқда. Мазкур даргоҳда таълим жараёни замонавий ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда давлат стандартлари асосида олиб борилади. Бу ерда таълим олаётган курсантлар ўз билим даражаси ва жисмоний имкониятларини ихтисослаштирилган моделлаштириш ва симуляция маркази, компьютерлаштирилган тренажёрлар, электрон ўқув воситалари, ахборот коммуникация технологиялари ва спорт секциялари орқали ошириб боришмоқда.

Билим юртида ўқитиш йўналишларга қараб, тўрт ва беш йил давом этади. Таълим кундузги шаклда бўлиб, битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумотли диплом берилади. Лейтенант Бунёд Турсунбоев ана шундай унвон ва дипломга эга бўлган битирувчилардан бири.

– 2016 йил мен учун унутилмас йил бўлиб қолади, сабаби ҳаммамиз учун қутлуғ сана – давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида олий маълумотли диплом ва лейтенант унвонига эга бўлмоқдаман, – дейди Бунёд. – Бизнинг эндиги вазифамиз халқимиз тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилишдир. Бу масъулиятли ишни бажаришда биз ўз билим ва маҳоратимизни ишга солишга тайёрмиз.

Тадбир муносабати билан йиғилган соҳа ходимлари ва ота-оналар ёш офицерларни билим юртини тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўяётгани билан муборакбод этдилар. Уларга кейинги ҳаётидаги шарафли ва масъулиятли ишларида омад тиладилар.

Абдуалим САЛИМОВ

ШҲТ КЎП ТОМОНЛАМА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Эртага Тошкент жорий йилнинг асосий сиёсий тадбири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига мезбонлик қилади. Ушбу муҳим воқеа муносабати билан қароргоҳи мамлакатимиз пойтахтида жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг директори Евгений Сисоев "Жаҳон" ахборот агентлигига интервью берди.

"ЎЗБЕКИСТОН ШҲТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ"

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолият кўрсатиб келаётган 15 йил давомида ўзини нуфузли минтақавий тизим, самарали ва очиқ, кўп томонлама тузилма сифатида намоён этди. ШҲТ муваффақиятини ҳамда унинг дунёда шитоб билан ўзгариб бораётган вазиятга мослашувчанлигини таъминлаган омиллардан бири сифатида ташкилотга аъзо давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги умумий манфаатлари ва ўзаро наф келтирадиган иқтисодий алоқаларнинг изчил тараққиётидаги уйғунлиги тилга олинади.

Ташкилот доирасида иқтисодий йўналишдаги ҳамкорликнинг энг муҳим масалалари асосан ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлар) кенгашида кўриб чиқилади. Мунтазам учрашувларнинг якуний ҳужжатларида умумбашарий ҳамда минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий муаммолари бўйича тузилма иштирокчиларининг ўзаро келишилган нуқтаи назарлари акс этади, амалга оширилган ишларга баҳо берилади, янги ташаббуслар ўз ифодасини топади. 2002 йили тузилган, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолиятига масъул бўлган вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарларининг мажлиси механизми ва катта лавозимли вакиллари комиссияси мазкур йўналишдаги амалий ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ташкилот фаолият бошлаган даврдан буён ШҲТ кун тартибидаги муҳим бандлардан бири бўлиб келмоқда. Минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг асосий мақсад ва йўналишлари ҳақидаги Меморандумнинг имзоланиши ҳукумат раҳбарларининг 2001 йилдаги биринчи музокаралари якуни бўлди.

2003 йили қабул қилинган ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастури 2020 йилгача ушбу йўналишдаги узоқ муддатли алоқаларнинг асосий устуворликларини белгилаб берган стратегик ҳужжат саналади. Унга мувофиқ, савдо-иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш ва сармоя тараққиётига, ўзаро товар айирбошлашнинг ўсишига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Мазкур дастурнинг асосий механизмлари ҳамда ҳаётга тадбиқ этилиши йўналишлари уни бажариш бўйича тадбирлар режасида ўз аксини топган. Ушбу режа 2008 йили тасдиқланган эди.

(Давоми 2-бетда)

— Евгений Сергеевич, сиз жорий йилдан эътиборан ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) ижроия қўмитасининг директори бўлиб фаолият юритмоқдасиз. Ушбу тизимдаги ишлар ва мамлакатимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишни истар эдик.

— Меҳмондўст ўзбек заминида бўлганим ҳамда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасидаги миссиямни бажариш – ташкилотга аъзо давлатларнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорлик таъминланишидаги манфаатлари йўлида терроризм, айирмачилик ҳамда экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш бўйича масъул ишларим юзасидан орттирган таассуротларим ижобийдир.

Дунёнинг айрим нуқталарида рўй бераётган фожиали воқеалар терроризм ҳамда зўравонлик давлатлар ва халқлар тақдирида қандай аянчли оқибатлар қолдиришини, хавфсизлик ҳамда тараққиётга таҳдидларни аниқлаш, огоҳлантириш ва уларга тўсиқ қўйиш юзасидан ўз вақтида зарур чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш қай даражада муҳим эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Шу боис Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти ШҲТ ҳудудида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун зарур шароитлар таъминланиши нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси минтақавий хавфсизлик тизимининг ўзига хос таянчи ҳисобланади, чунки у фаолият кўрсатаётган йиллар давомида терроррга қарши курашдаги самарали кўп томонлама ҳамкорликнинг механизми шаклланди ҳамда синовдан ўтди. Бу механизм ташкилотга аъзо давлатларнинг долзарб вазифаларни ҳал қилиш, хавфсизликка таҳдидлар билан кураш соҳасида вазият ўзгаришига тезкорлик билан ўз муносабатини билдириш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатларини бирлаштириш имконини беради.

— ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил топганига 12 йил тўлди. Сизнинг фикрингизча, ҳамкорликнинг қайси йўналишлари устувор бўлиб қолмоқда, ўтган давр мобайнида хавфсизликка таҳдидлар билан кураш борасида қандай муваффақиятларга эришилди?

— Тузилма ташкил топганининг биринчи босқичида асосий саъй-ҳаракатлар унинг ишчи органлари — Кенгаш ва Ижроия қўмитанинг барқарор фаолиятини йўлга қўйишга, қабул қилинган қарорларнинг амалиётга изчил тадбиқ этилиши механизмларини келишиш ҳамда апробациядан ўтказишга, ШҲТга аъзо давлатлар тегишли органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалаларини ишлаб чиқишга қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Партия сиёсий кенгаши раиси Н.Умаров, парламент Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган оламшумул ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритди.

Партия "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиоридан келиб чиқиб, қатор чора-тадбирлар ишлаб чиққан. "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида талаба-ёшлар ўртасида иншолар танлови, "Мустақиллигимизнинг 25 йиллигида "Адолат" социал-демократик партиясининг ўрни" мавзуида суратлар кўргазмаси, болалар оромгоҳларида "Келажак бизники, марра бизники" номли маънавий-маърифий тадбирлар, "Истиқлол аёллари: кеча ва бугун" мавзуида давра суҳбати, кўрик-танлов, спорт мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур тадбирларда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳияти ёритилади.

Тадбирда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича марказий ва ҳудудий партия комиссияларини тузиш, тадбирларни жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этиш, ижодий гуруҳларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

А.КИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ШҲТ КЎП ТОМОНЛАМА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳукумат раҳбарларининг 2007 йили бўлиб ўтган Тошкент учрашуви чоғида сармоя, ахборот-телекоммуникация, аграр, экология соҳаларидаги алоқаларни янада фаоллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, музокаралар якунлари бўйича ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Божхона ишларида ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисида Битим имзоланди.

2008 йили юзага келган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида унинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини теран англаган ҳолда, ШҲТ давлатлари ташкилот фаолиятининг иқтисодий мазмунини кучайтириш бўйича қатор чора-тадбирларни кўрди. Хусусан, 2009 йил 14 октябрда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши томонидан Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш ва ШҲТга аъзо давлатлар иқтисодиётлари янада ривожланишини таъминлаш юзасидан кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича Қўшма ташаббус қабул қилинди.

Шуни қайд этиш жоизки, 2005-2006 йиллари ташкилот доирасида молиявий ҳамда ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштиришга даъват этилган иккита муҳим орган таъсис қилинди. Улардан бири – ШҲТ ҳудудида сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш ва банк хизмати механизмини яратиш мақсадида 2005 йилнинг октябрида ташкил топган Банклараро бирлашмадир. Ушбу бирлашма инфратузилма қурилиши ҳамда юқори технологиялар соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши учун маблағларни йўналтиргани ҳолда, ШҲТ мамлакатлари ўртасида "молиявий кўприк" сифатида хизмат қилади. 2012 йилдан эътиборан ШҲТ доирасида ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Банклараро бирлашмани янада ривожлантириш стратегияси амалга оширилмоқда.

2004 йили имзоланган Тошкент декларациясида, жумладан, ШҲТ Ишбилармонлар кенгашини тузиш зарурати белгилаб берилди. Бу ташаббус 2006 йилнинг июнь ойида ўзининг амалий ифодасини топди. Таъсис этилган Ишбилармонлар кенгаши тузилмага аъзо давлатлар бизнес уюшмаларининг нуфузли вакилларини бирлаштирди. Унинг асосий вазифалари иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ШҲТ мамлакатларининг ишбилармон ҳамда молиявий доиралари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ва мулоқотларни йўлга қўйиш, кўп томонлама лойиҳаларнинг илгари сурилишига кўмаклашишдан иборатдир.

2012-2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари рўйхатининг ҳаётга тадбиқ қилинишига алоҳида аҳамият қаратилди. Ўтган давр мобайнида мазкур ҳужжатни амалга ошириш доирасида қатор саноат-сармоя форумлари, ярмаркалар, кўргазмалар ҳамда илмий-амалий конференциялар уюштирилди. Лойиҳаларнинг молиявий ҳамкорлиги ва сармоявий таъминланиши механизмларини такомиллаштириш устида иш олиб борилаяпти, техник регламентлар, стандартлар, мос келишини баҳолаш процедураларининг қўлланилиши соҳасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш таъминланаётир. Илм-фан ҳамда технологиялар, телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ташкилотга аъзо мамлакатлар аҳолиси фаровонлиги даражасининг ўсишини таъминлаш билан боғлиқ аниқ-равшан натижаларга эришиш учун тўлиқ объектив асослар мавжуд: керакли тажриба, улкан инсоний ҳамда ресурслар салоҳияти, давлатлар раҳбарларининг сиёсий ҳохиш-иродаси.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси савдо-сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш, ШҲТ мамлакатлари бозорларида талаб мавжуд бўлган саноат маҳсулотларининг бир-бирига етказиб берилишини кенгайтириш, ўзаро савдони рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратилишини ёқлайди.

Самарали транспорт ва транзит йўлакларини ишга тушириш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш узоқ муддатли истиқболда ШҲТ фаолиятининг энг муҳим стратегик йўналиши бўлмоғи лозим. Темир йўл ва автомобиль йўллари, ҳаво қатнови тармоғини кенгайтириш, тегишли замонавий инфратузилмани барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгаки, бу минтақамизнинг глобал логистика ҳамда транзит марказларидан бирига айланишига имкон беради. Бунда транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаларини такомиллаштириш ҳамда модернизациялаш ишида кенг қамровли лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик тамойили асосида ҳаётга тадбиқ қилинмоғи, минтақа давлатларининг умумий манфаатлари максимал даражада ҳисобга олинмоғи лозим.

Замонавий шароитларда иқтисодиётнинг диверсификациялашган тизими барқарор ривожланиш ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис қўшма сармоявий лойиҳалар асосида нафақат кон саноати ҳамда қайта ишлаш соҳаларида, балки юқори технологиялар жабҳасида ҳам замонавий ишлаб чиқаришни яратиш ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши мумкин. Машинасозлик ва маиший электр техникаси, асбобсозлик ҳамда кимё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш сингари соҳаларда сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш катта истиқболга эгадир. Шубҳа йўққи, бу аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашадиган омил бўлиши билан бирга ШҲТ ҳудудида ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка ҳамда сиёсий барқарорликка хизмат қилади.

Ташкилотнинг кузатувчи мамлакатлари ресурслари ва бозорларини фаол ишга солиш ўзаро манфаатли ҳамкорликка жалб қилиш нафақат олға қараб интиладиган барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланишига, балки ШҲТга аъзо давлатларнинг иқтисодий муносабатлар халқаро тизимига янада интеграциялашуви ҳамда жаҳон майдонида тузилма обрў-эътиборининг ўсишига ҳам кўмаклашади.

Шу нуқтаи назардан олганда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги савдо-иқтисодий шериклик порлоқ келажакка эга. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг савдо, сармоялар ва молия соҳаларида бир-бирига таклиф қиладиган имкониятлари бор; уларни умумий кўп асрлик алоқалар, тўпланган ноёб қўшничилик ҳамда амалий шериклик тажрибаси бирлаштиради. Бугунги кунда ана шу афзалликлардан умумий фаровонлик йўлида фойдаланилади, деб айтиш учун барча асос мавжуддир.

"Жаҳон" АА

"ЎЗБЕКИСТОН ШҲТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган йиллар мобайнида тузилманинг ташкилий масалалари муваффақиятли ҳал қилинди, низомда кўрсатилган мақсадларга эришилишида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Шуни айтиш мумкинки, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси вақт синовидан ўтди, ўзининг самарадор эканлигини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳар қандай хавф-хатарга қарши туришни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилиш учун етарли даражада салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунда ишлаб чиқилган халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами амал қилмоқдаки, улар ШҲТ мамлакатларининг тўлақонли ҳамкорлиги учун зарур ҳуқуқий асос яратади. Қолаверса, бу соҳадаги миллий қонунчиликни уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи мукаммал ишлаб чиқилган.

2001 йили қабул қилинган Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси ҳамда уни тўлдирадиган, тўпланган тажриба ва антитеррор ҳамкорлиги амалиёти ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган ШҲТнинг терроризмга қарши Конвенцияси (2009 йил) "терроризм", "террорчилик акти", "террорчилик ташкилоти" сингари ҳамда бошқа энг муҳим тушунчаларнинг ягона меъёрий-ҳуқуқий тавсифларини белгилаб берди. Ҳозирги пайтда ташкилотга аъзо давлатларда ШҲТнинг экстремизмга қарши туриш конвенцияси лойиҳаси ўзаро келишувдан ўтмоқда.

Шубҳа йўққи, мазкур ҳужжатлар муҳим аҳамиятга молиқдир. Улар ШҲТ ҳудудида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашни ташкил этишдаги ёндошувларни бир хиллаштиришга ёрдам беришга қолмай, глобал даражада, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти форматида худди шундай халқаро меъёрий-ҳуқуқий актларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига асос бўлиши мумкин. Бу халқаро терроризмнинг барча шакл ва кўринишларига қарши курашда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатини самарали бирлаштиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Бундан ташқари, Минтақавий аксилтеррор тузилмасида биргаликдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан хавфсизлик соҳасида янги таҳдид ҳамда хавф-хатарлар пайдо бўлишига тезкорлик билан муносабат билдириш тажрибаси қўлланилмоқда. 2007 йилдан буён ШҲТ аъзо давлатлари раҳбарларининг кенгаши томонидан тасдиқланадиган терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорликнинг уч йиллик дастури бажарилиши ўзаро ҳамкорликка тизимлилик бағишлаб, амалий ишчанлик руҳининг ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Жорий йилдан навбатдаги 2016 — 2018 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури амал қила бошлади. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси унинг доирасида ШҲТ мамлакатларининг террорчиликка қарши ҳамкорлигини мувофиқлаштириб келмоқда.

— Мазкур тузилманинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги қай тарзда амалга оширилаяпти?

— ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси замонавий хавф-хатарларга қарши туриш бўйича кенг шериклик тармоғини яратиш мақсадида барча манфаатдор халқаро ҳамда минтақавий муассасалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 2010 йил апрель ойида (Ўзбекистоннинг ШҲТга иккинчи раислиги даврида) имзоланган ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация ҳамда 2010 йилнинг декабрида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "БМТ ва ШҲТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида"ги резолюцияси ушбу глобал ташкилот минбаридан ШҲТ олдида турган вазифаларни ҳал қилиш ҳамда унинг доирасида тузилмага аъзо давлатлар манфаатларини биргаликда илгари суриш учун фойдаланиш имкониятини яратди.

Ҳозирги пайтда БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, БМТ Хавфсизлик кенгашининг терроризмга қарши қўмитаси, Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол), МДҲ иштирокчи-давлатларининг террорчиликка қарши маркази ҳамда бошқа институтлар билан ўзаро мунтазам алоқалар йўлга қўйилиб тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тузилган.

— Жорий йилда ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланади. Ташкилотнинг Тошкент саммити чоғида унинг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо берилиши баробарида, келгусидаги режалар ҳам белгилаб олинади. Шунга кўра, ШҲТ доирасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларингизни ўртоқлашсангиз.

— Шубҳа йўққи, ўтган даврда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида энг муҳим таркибий қисмлардан бири сифатида ўрин эгаллади, у жаҳон майдонида ҳам салмоқли таъсирга эгадир. Шу билан бирга, дунёдаги мураккаб вазиятни эътиборга олар эканмиз, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолиятини бундан кейин ҳам такомиллаштириб бориш устувор вазифа экани ойдинлашади.

Хусусан терроризм, айирмачилик ва экстремизмга, гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ, ўқ-дорилар ҳамда портловчи моддалар, ядровий ва радиоактив материалларнинг ноқонуний айланиши, трансчегаравий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ҳамда одам савдоси, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши туриш келгусида ҳам хавфсизликни таъминлаш соҳасида ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари бўлиб қолаверади. Шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлиги ҳамда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўз аҳамиятини мутлақо йўқотмайди.

Бунда хавфсизлик соҳасидаги биргаликдаги ишлар масалалари кўламини кенгайтириш ШҲТ салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қиладики, ушбу жараёнга кузатувчи давлатлар ва ШҲТнинг мулоқот бўйича шериклари жалб этилади. Шунингдек, БМТ тузилмалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш бу борада муҳим ўринга эга.

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори вазифасига киришишим Ўзбекистон Республикасининг ШҲТдаги раислиги даврига ва Тошкентда ШҲТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўтказилиши палласига тўғри келди. Қароргоҳи ушбу серқуёш мамлакат пойтахтида жойлашган ШҲТ таркибий органининг раҳбари сифатида ташкилотга раислик билан боғлиқ барча тадбирга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда уларни муваффақиятли ўтказиш борасида Ўзбекистон давлат идоралари томонидан амалга оширилган кенг қамровли, масъулиятли ва яхши йўлга қўйилган ишларни бевосита баҳолаш имконига эга бўлдим.

Ўзбек халқига хос анъанавий меҳмондўстлик ҳамда очиққўнгиллик ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасининг мазкур заминда ўн икки йилдан буён дўстлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида фаолият юритишига имкон бериб келмоқда. Бундай фазилатлар ташкилот саммити ўтказилиши даврида ҳам беқиёс илиқлик ҳамда самимият муҳитини яратишига ишончим комилдир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

"Жаҳон" АА

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган кучли фуқаролик жамияти ривожланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Концепция асосида ўтган давр мобайнида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани улар фаолиятини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Парламент ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан кейинги етти йил мобайнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун 47,7 миллиард сўм ажратилган.

Йиғилишда ижтимоий шерикликнинг жойлардаги ҳолати, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияларининг фаолияти таҳлил этилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этишини таъминлашга эътибор қаратилди. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, халқимизнинг маданий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар муҳокама этилди.

2016 йил апрель ойида кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонунга киритилган қўшимчалар моҳияти ҳақида маълумот берилди. Бундан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия аъзолари ўтказиладиган навбатдаги танловларни кўриб чиқиб, тасдиқлади. Бу жараёнда аҳолининг фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда мустақиллик йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқларни тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар қўллаб-қувватланади.

Йиғилишда Парламент комиссиясига дахлдор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонуни ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутасадди идоралар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

● Тошкент вилояти Қибрай туманида "Мустақиллик – юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Фарғона вилояти Олтиариқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ғалладан бўшаган майдонларда сомон ёқилишининг олдини олишга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

● Гулистон туманида "Тинчлик учун барчамиз бирдек масъулмиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят, туман ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг "Air Franse" авиакомпанияси ходимлари 24-27 июнь кунларига мўлжалланган иш ташлашнинг бекор қилинганлигини билдиришди.

● Кеча Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия Қўмитасининг саммити бўлиб ўтди.

● БМТ Ямандаги ихтилофга киришган томонларни ўт очишни тўхтатиш режимига риоя қилишга чақирди.

● Кеча Бельгия пойтахти Брюссель шаҳри марказида террорчилик ҳаракати хавфи туғилганлиги боис савдо марказидаги одамлар зудлик билан эвакуация қилинди. Батафсил текширув ўтказилгандан сўнг террорчилик хавфи тўғрисидаги маълумотнинг ёлғон эканлиги аниқланди.

● Кеча Македония пойтахтида ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб этган ҳолда 20 мингдан ортиқ аҳоли норозилик намойишини ўтказди.



Ҳозирги кунда юртимизда табиатни муҳофаза қилишга, айниқса атроф табиий муҳитга етказилаётган зарарларни қоплаш бўйича бир қанча саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда.

ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунига "Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар" алоҳида модда қилиб киритилган бўлса, ушбу тўловларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича мазкур қонуннинг 35-моддасида "Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари"нинг фаолиятлари белгилаб қўйилган.

Бинобарин, мазкур қонун ижроси доирасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги "Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 246-сонли ҳамда 2003 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 199-сонли қарорлари қабул қилинган.

Мазкур қарорларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқава оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари тўловчилар ҳисобланади, шунингдек, юридик ва юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар ҳам шундай тоифага киради.

Тўловчилар атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳар ойда аванс компенсация тўловларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача тўлайдилар. Аванс компенсация тўловлари олдинги йил чораги маълумотлари бўйича ифлослантирувчи моддаларнинг атроф табиий муҳитга чиқариб ташланиши, оқизилиши ва чиқиндилар жойлаштирилишининг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) амалдаги ўртача ойлик массасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Йилнинг бир чораги учун ҳисоблаб чиқилган компенсация тўлови суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан камни ташкил этган ҳолларда компенсация тўлови ҳисобот бериладиган йил чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача бир чоракда бир марта тўланади, ушбу ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташлаш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштиришнинг норматив ва нормативдан ортиқча (лимитдан ортиқча) массаси ҳисоб-китоби молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда бир йилда бир марта табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилади.

Мазкур қонун ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ҳусусан, ўтган 2015 йил давомида, Маҳаллий жамғарма ҳисобига жами 1 905 000,0 минг сўм туширш режалаштирилган бўлиб, амалда 1 905 306,6 минг сўм туширилди ва белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Бу кўрсатгич, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 397 663,3 минг сўмга кўп бўлиб, ўсиш суръати 26,38 фоизни ташкил этган.

Шаҳар канализация тизимига меъёридан ортиқча ифлосланган оқава сувларни ташлаганлик учун компенсация тўловлари бўйича, 476 084,4 минг сўм ундирилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105 484,4 минг сўмга кўп ва ўсиш суръати 28,46 фоизни ташкил этди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга солинадиган жарималар бўйича 115 124,5 минг сўм ундирилган ва белгиланган режа тўлиқ бажарилган. Ушбу маблағ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 020,1 минг сўмга кўп бўлиб, ўсиш суръати 15,00 фоизни ташкил этди.

Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш бўйича, яъни дарахтларни кесишга рухсат бериш учун тўловлар бўйича эса жами 732 431,0 минг сўм туширилган.

Шу билан бирга, 199-сонли қарорда маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня ундирилиши белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, корхона ва ташкилотлар томонидан компенсация тўловларини ўз вақтида амалга оширмаганликлари учун пеня тўловлари 10 301,1 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 288,8 минг сўм кўп маблағлар туширилди ёки ўсиш суръати 40,97 фоизни ташкил этди.

Маҳаллий жамғармага 2015 йил давомида жами 2 915 та корхоналар томонидан умумий 147 193,8 минг сўмлик компенсация ҳисоб-китоблари тақдим этилган бўлиб, ҳар бир корхонага ўртача 60,2 минг сўмдан тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарорининг 5-иловаси 7-бандининг "Д" қисмига асосан, компенсация тўловларининг ҳисобини амалга оширган жами 555 та, экологик меъёрий ҳужжатлари мавжуд ҳамда ҳисобланган компенсация тўловларининг умумий суммаси белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан ошмаганлиги учун ушбу тўловлардан озод этилган.

Ўтган 2015 йил давомида, жамғарма олдидаги корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорликларини ундириш юзасидан, жами 5 988,3 минг сўм бўлган 10 та қарздор корхоналар бўйича Тошкент шаҳар хўжалик судига ўрнатилган тартибда даъво аризалари киритилиб, жамғарма фойдасига суд қарорлари чиқарилди ва уларнинг ижроси таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизнинг ҳар бир корхона ва ташкилотларининг масъул ходимлари атроф табиий муҳитга бефарқ эмасликлари, уларнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлари — она табиатимизнинг яхшиланиши, обод шаҳримизнинг янада гуллаб-яшнаши ҳамда мусаффо ҳавонинг софлигини таъминлашда мақсадли хизмат қилмоқда.

Зеро, ҳар биримиз, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз, шундагина юртимизда ўсиб улғаяётган келажак авлодларга соф мусаффо ҳавони ҳамда она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

Феруза ПАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси бошлиғи

Аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштириш — хушёқимли микроклимат яратишда ёрдам беради. Яшил ўсимликлар ҳавони кислород билан бойитади, уни чанг-ғубордан ва зарарли газлардан тозалайди, соя-салқинлик яратади, шамоллардан асрайди. Яшил ўсимликлардан ажралиб чиқаётган эфирли бирикмалар сувнинг майда заррачаларини перекись ангидридига айлантиради, улар кучли оксидлантириш ҳусусиятига эгадир.

МАНЗАРАЛИ ЎСИМЛИКЛАР — КОНИ ФОЙДА

Бу эса атроф-муҳитдаги касалликларни келтириб чиқарадиган ҳаводаги бактерияларни қириб ташлаш ҳусусиятига эгадир. Бунда учувчи моддалар — фитонцидлар фаол рол ўйнайди ушбу моддалар эман, оқ қайин ва граб ўсимликларида мавжуддир.

Яшил ўсимликлар шаҳарлар ва аҳоли яшаш ҳудудларида ҳавони чанг-ғубордан тозалашда катта аҳамиятга эга. Ёз мавсумида кўкаламзорлаштирилмаган масканларга нисбатан шаҳар истироҳат боғларида ҳаво ғубори 42 фоизга камаяди. Қиш мавсумида эса бу кўрсаткич 37 фоизни ташкил этади. Ғуборни айниқса йирик баргли ўсимликлар, тукчалар билан қопланган барглар яхши ушлаб қолади. Яшил ўсимликлар ёз фаслида ҳаво ҳароратини 5-10 градусга пасайтиради, кун мабойинида юқори миқдорда сув буғларини ҳавога ажратиб, улар ҳаво намлигини 20-30 фоизга кўтаради. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг яшаш шароитини яхшилайди.

Ҳозирда ЎзРФА Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институтининг Ботаника боғида 13 турдан зиёдроқ эман дарахтлари мавжуддир

Эман дарахтлари чидамли, умрбоқий, жуда қаттиқ иқлим шароитларига мосланувчан ва Ўзбекистонда алоҳида эътиборга эга бўлибгина қолмай, Тошкентда яшил ўсимликлар орасида кенг миқёсда тарқалган, уни турли жойларда учратса бўлади. Тоғларда, тоғ ёнбағрининг сувсиз жойларида, шўрланган ерларда, ҳатто қум-шағалли сой бўйларида ва кўчаларда қийин шароитларда учрайди.

Юқори манзарали жиҳатлари, атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилиги туфайли бу ўсимлик шаҳарни кўкаламзорлаштиришда энг асосий ўсимликлар қаторига киритилган. Юқорида келтирилган турларни яна бошқа интродукциялашган эман турлари билан бойитишни тавсия қиламиз. Булар – каштанбарг, имеритина, оқ эман, йирик мевали грузин эманларидир.

Шунингдек, оқ қайин асосан хиёбонларда, шаҳар кўчалари, истироҳат боғлари ва хусусий уйларда экилади. Оқ қайиннинг Ботаника боғига интродукцияси 1948 йилда бошланган бўлиб қисқа муддат ичида 26 тур Betula L. туркуми интродукциялаштирилди.

Кўплаб оқ қайин турларини тузилиши, шакли бўйича бехато аниқлаш мумкин. Оқ қайин турлари бўйи-басти бўйича аниқланиши мумкин — баъзи бирлари 25-30 м. баландликка эга, бошқалари 15-20 м. дарахтсимонлари 3-5 м. пакана бўйлилари 0,3-1,0 м. ва ербағирлаб ўсувчи, ердан бир озгина кўтарилиб ўсадиган бутачалар ҳолида мавжуд.

Интродукциялашган оқ қайинлар туркумига кирувчи Европа турлари — Betula pendula, Betula pubescns ва Шимолий Америкининг Betula papyriferalар Ўзбекистон текислик оазисларида деярли яхши ўсади.

Оқ қайинлар ёруғликсевар бўлиб, очиқ серқуёш жойларда яхши ривожланади, якка ҳолда экилганлари эса жуда чиройли қуюқ шаклда, кенг баҳайбат бўлиб ўсади. Шунингдек, тупроқ шароитига талабчан эмас, ўта чидамли, ҳатто ишқорли тупроқлар, енгил шўрланишни ҳам яхши кўтаради. Асосий ўсиш шароити — сув билан таъминланган илдиз атрофида аэрация мавжуд бўлиши керак. Оқ қайиннинг санитар-гигиеник ҳусусияти жуда юқори бўлиб, улар фитонцид ажратиб чиқаради.

Граб ўсимлиги ҳам Ўзбекистон иқлимига жуда мос келади. Чунки, грабнинг барглари кичкиналигига қарамай, жуда зич жойлашгани сабабли, атроф-муҳитнинг экологиясини яхшилашда етакчи ўринни эгаллайди. Атрофга тарқалган газ, ғуборларини тозалаш, ёзнинг чилла кунларида қуёш нурларини қайтариш ҳусусиятига эга.

Юқорида келтирилиб ўтилган ўсимликлар нафақат ўзининг манзаралилиги билан, балки атроф-муҳитга автотранспорт орқали, завод, фабрикалар томонидан чиқарилаётган токсикоген моддалар, газлар, турли тоифали тутунлар, чанг-ғуборларни ўзига қамраб олиб атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилайди, ёзнинг жазирама иссиғида, Қуёш нурларини қайтариш ҳусусиятига эгадир. Шунингдек, ушбу ўсимликлар тупроқ иқлим шароитини, ер ости сувларини нормал ҳолга туширишда катта аҳамият касб этади.

ЎзРФА Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти Тошкент Ботаника боғида бу борада бир қатор илмий ходимлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда ва яқин орада кўпгина янги, янада юқори манзарали, ҳалқ хўжалигида зарур бўлган, шунингдек, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини юқори даражада ушлаб турувчи, санитар-гигиеник даражасини яхшиловчи интродуцент ўсимликлар тавсия этилади.

Х.АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ахборот хизмати, ЎзРФА Тошкент Ботаника боғи илмий ходими

ТАБИАТНИ АСРАШ БОРЛИҚНИ АСРАШДИР

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий "Табиатни асраш — Ватанни асраш демакдир" деб номланган тадбир ташкил этилди. Унда экологлар, табиат шинавандалари, ОАВ вакиллари ва олий таълим муассасалари талабалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳаси ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда дунё бўйича йилига қарийб олти миллион гектар ер чўлланишга учраётгани, олтмиш мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида тургани, қолаверса, аҳолининг кўпайиши ҳамда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётгани атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, халқимиз азал-азалдан табиатга, бутун борлиққа, ундаги ҳайвонот ва наботот оламига алоҳида эътибор қаратиб, табиий неъматлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб келган. "Дарё бўйида яшасанг ҳам сувни исроф қилма", деган пурмаъно сўзлар бежиз айтилмаган. Дарахт экиш ва боғ яратиш ҳам ўзбекнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадим қадриятларидан саналади. Юртимизда аҳоли, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодни атроф-муҳитни асраб-авайлаш, аҳолида экологик маданиятни шакллантириш, табиатга нисбатан муносабатини янада яхшилаш мақсадида тадбир доирасида Қушлар байрами, "Усталар шаҳарчаси", "Қушлар савдоси" кўргазмалари, Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги болалар бадиий жамоалари, "Улуғбек юлдузлари" вокал чолғу ансамбли, "Дурдона" фольклор этнографик ансамбли, Республика кўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан тайёрланган концерт ва саҳна дастурлари намойиш этилди.

Кўргазманинг фаол қатнашчилари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ахборот хизмати



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан тузилган қўшма тадбирлар режасига асосан Тошкент шаҳридаги жами 28 та умумтаълим мактабларида, 2016 йил давомида "Табиат болалар нигоҳида", "Келажагимиз ва экология" мавзуларида экологик тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

ЭКОЛОГИК ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 9 та ушбу турдаги тадбирлар ўтказилди.

Ҳусусан, Олмазор туманидаги 46-сонли умумтаълим мактабида "Экология ва биз" мавзусидаги кўрик-танлов. Мирзо Улуғбек туманидаги 18-сонли умумтаълим мактабида "Бутунжаҳон ер куни"га бағишланган кўрик-танлов. Яккасарой туманидаги 118 ва 144-сонли умумтаълим мактабида "Соғлом болани тарбиялаш бизнинг умумий вазифамиз" мавзусидаги давра суҳбати. Юнусобод туманидаги 274-сонли умумтаълим мактаби, 265-сонли умумтаълим мактаби, 272-сонли умумтаълим ҳамда 9-сонли умумтаълим мактабларида "Экологик маданият" мавзусидаги давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлоднинг она табиатга меҳрли бўлиб вояга етиши, юртимиздаги мафтункор жойлар ҳақида хабар топиши ҳамда энг асосийси уларнинг экологик билим ва маданиятини янада оширш ҳисобланади.

Бундай сермазмун тадбирларни умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланиши билан яна давом эттириш кўзда тутилган.

Азизбек КАЛИМБЕТОВ,
Ахборотлаштириш ва тарғибот бўлими бошлиғи

Сўранг, жавоб берамиз

— Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

У.Ғаниев,
Олмазор тумани

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрда "Нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур низом "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ нотариус томонидан ўз касб мажбуриятлари бузилиши оқибатида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни давлат томонидан қоплашни белгилайди. Кўриниб турибдики, бу меъёр фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотлар манфаатининг тўлиқ муҳофаза этилишини таъминлайди.

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарар Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланади. Нотариус қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйгани аниқланган ҳолларда давлат зарар қопланишини талаб қилиши мумкин. Бу эса соҳа ходимларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Чунки етказилган зарарни хатога йўл қўйган нотариус ҳисобидан ундириш тартиби ҳам низомда белгиланган. Унга кўра, юридик ва жисмоний шахс етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори зарар қопланиши учун асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, Адлия бошқармаси томонидан қопланган сумма кейинчалик регресс тартибида нотариусдан ундириб олиниши лозим. Юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарар қоплангандан сўнг икки кундан кечикмай Адлия бошқармаси нотариусга аксинча талаб регресс билан мурожаат қилади. Нотариус юридик ва жисмоний шахсга етказилган зарарни тўлаш учун Адлия бошқармаси қилган харажатни белгиланган тартибда ихтиёрий равишда қоплаш ҳуқуқига эга. Нотариус томонидан зарарни қоплаш Адлия бошқармасининг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамига пул маблағи киритиш йўли билан амалга оширилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам зарарни нотариус томонидан бошқача шаклда қопланишига йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жадаллик билан ривожланаётган бугунги пайтда нотариат институтига қаратилаётган эътибор жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган ҳар қандай битим ва шартноманинг қонуний асосларга эга бўлишига, юридик жиҳатдан мустаҳкамланишига, шунингдек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хосият ИСАЕВА,
Камила АЗИМОВА,
Чилонзор туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

— Мол-мулкка тақиқ қўйиш деганда нима тушунилади? Тақиқ ўзи нима?

Ш.Шукуров,
Юнусобод тумани

— Тақиқ бу чеклаш, ман қилиш, деган маъноларни англатади. Мол-мулкка нисбатан тақиқ қўйиш деганда муайян шахс эгалигида бўлган мулкка нисбатан унинг тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун доирасида ва маълум муддатларга вақтинчалик чегаралаб қўйиш тушунилади.

— Мол-мулкка қўйилган тақиқлар базаси давлат нотариал идоралари томонидан юритилади. Бир нечта нотариал идоралар мавжуд бўлган ҳудудларда тақиқлар базасини юритиш муайян нотариуслар зиммасига юклатилади. Нотариал идорада кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини тақиққа қўйиш ва тақиқни бекор қилиш китоблари юритилади Бу китобга муайян ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларига қўйилган барча тақиқлар рўйхатга олинади.

Бундан ташқари, кўчмас мулкларнинг тақиқи шу кўчмас мулк жойлашган жойдаги туман ёки шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк Кадастр хизмати томонидан рўйхатга олинади, автомототранспорт воситаларига қўйилган тақиқлар эса шу транспорт воситаси рўйхатга қўйилган ИИБ ЙҲХБ туманлараро ички ишлар бошқармаси томонидан рўйхатга олиб борилади.

Ҳабибулло АТАҚУЗИЕВ,
Юнусобод туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Мерос гувоҳномаси кимларга берилади?

Ш.Жалилов,
Сергели тумани

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради.

Гувоҳномалар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Нотариуслар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўрлар яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Шахло ХОДЖАЕВА,
Яшнобод туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси

* * *

— Фуқаролик ишлари бўйича судга уйга кўчириб киритиш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат қилгандим. Иш менинг фойдамга ҳал бўлди ва суд ижрочилари томонидан суд қарорининг ижроси таъминланди. Бироқ қарздор яшашимга халақит бераяпти. Нима қилсам бўлади?

Р.Юсупова,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 1 январдаги **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонунининг 74-моддасида айнан ундирувчини кўчириб киритиш тартиби белгилаб қўйилган. Ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро этиш кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома орқали расмийлаштирилади. Мазкур модданинг 6-бандида "Агар ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисида далолатнома тузилганидан кейин қарздор ундирувчининг яшашига яна монелик қилса, ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритиш янгидан тикланиши мумкин", деб кўрсатилган. Сиз суд ижрочисига мурожаат қилиб, қарздор уй-жойдан фойдаланишингизга монелик қилаётганини маълум қилишингиз лозим. Шундан сўнг ижро иши юритиш янгидан тикланади ва қарздорга тегишли тартибда огоҳлантириш берилади. Сизнинг уй-жойдан монеликсиз фойдаланиш ҳуқуқингиз шу йўл билан таъминланади.

Шухрат ИСРОИЛОВ,
Яккасарой туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси

Спорт янгиликлари


Исҳом Исмоилов олган сурат

МУСОБАҚА ШАХМАТЧИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимизда ҳар фасл анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган шахмат бўйича мусобақанинг ёзги мавсуми 27 июнь куни старт олади.

"Тошкент ёзи" мақомини олган ушбу турнирда ғолиб бўлган шахматчилар мамлакат чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Беллашувлар икки гуруҳ доирасида кечади. Биринчи гуруҳда 14 ёшгача бўлган ёш иқтидор эгалари баҳс олиб борса, иккинчи гуруҳда "А" тоифасида катталар ўзаро беллашади. Мусобақа 6 июлга қадар ўтказилиб, унга Ўзбекистон шахмат федерацияси мезбонлик қилади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги "Тошкент ёзи" турнирида швейцарча тизимда Ортиқ Ниғматов ғолиб деб топилган бўлса, 14 ёшгача бўлган ёш гроссмейстерлар баҳсида қашқадарёлик Миржаҳон Раҳимовга тенг келадиган шахмат устаси топилмаган.

КУЧЛИ БОУЛИНГЧИЛАРИМИЗ АНИҚЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги "The Bowler" клубида боулинг бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувлари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу мусобақада октябрь ойида Шанхайда бўладиган жаҳон кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимизни аниқлаб беради. Икки кун якуни бўйича йигитлар ўртасида Равшан Абдусамадов пешқадамлик қилмоқда. Абдусамадовни Бахтиёр Далабоев ҳамда Мирвоҳид Соатов жиддий таъқиб этиб келмоқда.

Аёллар тоифасида Татьяна Лефтер етакчи. Ундан кейинги ўринларни Сайёра Маҳмудова ва Елена Қосимова банд этишган.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ УЮШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг июль ойида футбол бўйича Ироқ терма жамоаси аъзолари Тошкентга келишади.

Гап шундаки, футбол бўйича 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига йўлланма олган Ўзбекистон ҳамда Ироқ миллий терма жамоалари Ўзбекистон ҳамда Ироқ футбол федерацияларининг ўзаро келишувига кўра Тошкентда ўртоқлик баҳсида куч синашадилар. Ироқлик чарм тўп усталари 21 июлда аввалига Ўзбекистон ёшлар термасига қарши майдонга тушишса, орадан уч кун ўтиб, Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси меҳмони бўлишади. Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида Ироқ, Австралия, Япония, Саудия Арабистони, БАА каби қитъамизнинг энг кучли терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган.

Шунингдек, айрим маълумотларга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоамиз 24 август куни Яман терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида ҳам майдонга тушади. Ўйиннинг ўтказилиш жойи кейинроқ маълум бўлади. Шунингдек, Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоамизни 10 ноябрда Тошкентда Иордания терма жамоасига қарши ўтказиладиган назорат-ўртоқлик ўйини ҳам кутиб турибди.

Сербиялик футбол мутахассиси Деян Журжевич бир йилдан бери Ўзбекистон миллий терма жамоасида техник директор лавозимида фаолият олиб борганидан мухлислар хабардор албатта.

ШАРТНОМА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Кейинги пайтда Деян Журжевич билан миллий терма жамоамиз ўртасида тузилган шартнома муддати якунига етаётгани ҳақида хабарлар тарқалганди. Аммо сербиялик мутахассис Деян Журжевич миллий терма жамоамизда яна ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Хуллас, миллий терма жамоамизнинг халқаро учрашувлардаги ғалабаларига ўз ҳиссасини қўшган Журжевич ўзаро келишувга кўра жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида ҳам миллий терма жамоамиз устози Самвел Бабаянга ёрдам беради.

"ЛОКОМОТИВ" ХОРИЖДА ЙИҒИН ЎТКАЗАДИ

Жорий йилги футбол мавсумида фақат чемпион бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган "Локомотив" жамоаси Беларусь пойтахти Минск шаҳрига борадиган бўлди.

Мамлакат XXV миллий чемпионатининг иккинчи даврига пухта ҳозирлик кўришга аҳд қилган "Локомотив" 12 — 21 июнь кунлари Минск шаҳрида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этади. Ўқув-машғулот йиғини доирасида тошкентлик чарм тўп усталари Минскнинг "Динамо" ҳамда маҳаллий "Крумнаки" жамоаларига қарши назорат-ўртоқлик учрашувларида ўзларининг жисмоний ва руҳий имкониятларини синовдан ўтказиб олишади.

Жорий йилги миллий биринчиликда кучлилар сафига қўшилган "Обод" футбол жамоаси мураббийлар штабида ўзгариш юз берди.

"ОБОД" МУРАББИЙЛАР ШТАБИДА ЎЗГАРИШ

"Бунёдкор", "Бухоро", "Сўғдиёна" ҳамда "Оқ-тепа" жамоаларида бош мураббийлик қилган Александр Мочинов ва унинг ёрдамчиси Анатолий Курлаев энди "Обод" клуби мураббийлар штабида фаолият олиб боришмоқда. Дарвоқе, жамоанинг шу кунгача қўлга киритган натижаларига масъул бўлган мутахассис Бобур Зуҳриддинов ҳам "Обод" жамоасида фаолиятини давом эттираётганини таъкидлаш зарур.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Оромгоҳ — 2016

ОРОМГОҲ ТАРБИЯЧИЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ

Ўлкамизга болажонларимиз орзиқиб кутган ёз фасли ҳам кириб келди. Табиийки, бу мавсумда аксарият мактаб ўқувчилари республикамизнинг салқин, баҳаво оромгоҳлари ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришни чин дилдан исташади.

Болалар ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш масканларига йўл ола бошлайдилар. Бахтли кичкинтойларимизнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари одатдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги энг баҳаво, соя-салқин бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кечади. Шу кунларда жажжи кичкинтойларимиз оромгоҳларда кўнгилли дам олишлари, шодон онлари қувноқ ва завқли ўтиши учун етарли қулайликлар яратилган. Шунингдек, уларнинг сўлим оромгоҳларда спорт билан шуғулланишлари, турли йўналишлардаги тўгаракларга қатнашишлари ва мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Бинобарин, болаларнинг хавфсиз, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун масъул бўлган мутасадди идоралар ҳам бир четда қараб тургани йўқ. Айни пайтда уларнинг хавфсизликларини таъминлаш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг қуйи тизими ходимлари томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтган эди. Унда тегишли вазирликлар, идора ва ташкилотлар, концерн ва компаниялар, хўжалик органларига ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни уюшқоқлик билан намунали ташкил этиш ва ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юртимиздаги оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси тасдиқлангач, оромгоҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш имконияти кенгайди. Шунингдек, йилдан йилга соғломлаштириш ишларининг сифати, дам оладиган болалар сони оширилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан болалар оромгоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий дам олиш масканларига айлантиришга катта эътибор қаратилиб, оромгоҳлар йилдан йилга янгланиб боряпти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, жорий Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз миқёсида 1 минг 204 та оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 55 та кўп дегани. Улардан 213 таси стационар, 851 таси кундузги, 140 таси Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳларидир.

Ушбу оромгоҳларда 292 минг 46 нафар, шу жумладан, стационар оромгоҳларда 153 минг 861 нафар, кундузги оромгоҳларда 138 минг185 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Бу ўтган йилгига нисбатан болаларни соғломлаштириш қамрови 5 минг нафарга ортганини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, жорий йилдаги соғломлаштириш мавсумида асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий, спорт мусобақаларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш масалаларига қаратилади. Бундан ташқари, ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, турли тўгараклар ташкил этилиб, кўнгилочар тадбирлар ўтказилади. Чунончи, оромгоҳлараро кўрик-танловлар, спартакиадалар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва суҳбатлар, турли саёҳатлар уюштириш, "Ёш қутқарувчилар" мусобақаси ва "Фуқаро муҳофазаси кунлари"ни ўтказиш кун тартибидан жой олган. Оромгоҳларда ўтказиладиган барча кўнгилочар тадбирлар Соғлом она ва бола йили ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди гўшаларига кўнгилли ҳордиқ чиқаришга келган болажонларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масъул бўлган оромгоҳ раҳбарларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари томонидан 7 соатлик дастур асосида 26 нафар оромгоҳларнинг раҳбарлари ва тарбиячилари ўқитилди.

– Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида биз тингловчилар 7 соатлик дастур асосида муайян кўникмалар ҳосил қилдик. Энг муҳими, биз – тингловчилар ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлигини, фавқулодда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини, аҳолини эвакуация қилиш қоидалари ҳамда жабрланганларга шошилинч тиббий хизмат кўрсатишнинг айрим усуллари хусусида етарли маълумотларга эга бўлдик, — дейди "Технолог" ОАЖ га қарашли "Радуга" болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Александр Ни.

Машғулот якунида барча оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячиларга ўқув машғулотларида қатнашганлиги тўғрисида гувоҳномалар топширилди ҳамда "Фуқаро муҳофазаси"га оид дисклар, қўлланмалар ва плакатлар тарқатилди.

Азамат СУЮНОВ

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Агар бирор киши бинодан, транспорт ёки савдо мажмуасидаги дўкондан фойдаланмоқчи бўлса ижара шартномаси тузади. Бу иш юритишнинг қонуний йўли.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яшовчи Барно Солиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2015 йилга қадар МЧЖ "TRIUMVIRAT-QURILISH" савдо мажмуасида директор ўринбосари лавозимида ишлаган. Табиийки, у тартиб-қоидани яхши билади. Барно Солиева 2015 йил сентябрь ойида соғлиги туфайли ўз аризасига асосан ишдан бўшайди. Орадан ойлар ўтди. 2016 йилнинг февраль ойида Рустам исмли шахс унга қўнғироқ қилади.

— Бозордан ижарага дўкон олмоқчи эдим. Қандай ҳужжатлар керак?

— Яхши. Ижрага дўкон олмоқчи бўлсангиз МЧЖга 1.028.000 сўм тўлайсиз. Айтгандай, 400 АҚШ доллари олиб келишни унутманг. Буёғини ўзим гаплашиб қўяман.

Рустам ўйланиб қолди. Ахир, МЧЖдан шартнома асосида ижарага дўкон олиб, қонуний ишламоқчи бўлсам. Пул тўласам. 400 АҚШ долларини нима учун беришим керак? Боши қотган Рустам ариза ёзишга мажбур бўлди.

Шу йил 9 февраль куни савдо мажмуасида тезкор тадбир ўтказилди. Барно Солиева тадбиркордан 1.028.000 сўм пул ва 400 АҚШ долларини олар экан, деди:

— Паспорт нусхангизни ташлаб кетинг, эртага ижара шартномасини тайёр қилиб қўяман.

Фирибгарлик билан 400 АҚШ долларини қўлга киритган аёлнинг қувончи узоққа чўзилмади. Алдаш йўли билан моддий наф кўрмоқчи бўлган Барно Солиевага суд тегишли жазо тайинлади.

Ойбек ГАИПОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаменти Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри кўчаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, транспорт коммуникациялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, шаҳар аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш ва пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча ҳудудларда бузиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларда уй-жойлари бузилишга тушган оилаларни турар жой билан таъминлаш ишлари Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ белгиланган тартиб асосида, кўп қаватли уйларда жойлашган хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширувчи фуқароларга ер участкалари ажратиш эвазига амалга оширилмоқда.

Ҳозирда, якка тартибдаги турар жой қуриш учун ер бўлаги олиш истагида бўлган фуқаролар, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" ва "Хонобод" фермер хўжалиги ерларидан (мўлжал: Олмазор туманидаги "Бешқўрғон" даҳаси рўпарасида ва Сергели тумани Қўйлиқ-5 даҳаси рўпарасида), ўзларининг хусусий квартирасини туман ҳокимликлари ихтиёрига топширишлари эвазига олишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Маълумот учун манзил ва телефонлар:

Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 166-уй (мўлжал: "Гузарбоши" МФЙ), тел: (+95) 199-22-52;

Шайхонтоҳур тумани, Оқилхон Шарофуддинов кўчаси, 10-уй (мўлжал: Ўқув даволаш тиббиёт коллежи), тел: (+94) 688-88-77, (+95) 193-03-13, (+97) 745-33-36.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Рағбат ғайратга чорлайди.

* * *

Осон йўлдан юриш ҳамманинг ҳам қўлидан келади.

* * *

Доно бутун умр ўрганади,
Нодон бутун умр ўргатади.

* * *

Бекорчининг куни ўтмайди.

* * *

Фаросат кўп нарсани ҳал қилади.

* * *

Ғийбатдан туҳмат туғилади.

* * *

Югурган ўзади,
Ўтирган тўзади.

* * *

Нодон билганидан қолмайди.

* * *

Қўли очиқнинг ризқи сочиқ.

* * *

Ожиз шикоят қилади,
Кучли ҳаракат.

* * *

Ким минг бир азоб билан ўзига йўл очади,
Ким очиб берилган тайёр йўлдан қочади.

* * *

Фикрлаб турмасанг, қотиб қоласан.

* * *

Ким хаёлни ҳақиқатга айлантиради,
Ким ҳақиқатни хаёлга.

* * *

Соддалик оддийликда.

* * *

Гумон иймондан айиради.

* * *

Йўлини билган қанд ейди,
Йўлини билмаган панд ейди.

* * *

Яхшиликнинг нури чиқар,
Ёмонликнинг шўри.

* * *

Вақтнинг ортидан югур,
Бирор иш қилиб улгур.

* * *

Гапи кўпнинг иши кам бўлади.

* * *

Ким имкон қидиради, ким таскин.

* * *

Тушкунликнинг давоси — меҳнат.

* * *

Учқун ўз-ўзидан алангага айланмайди.

* * *

Ҳаддини билмаган панд ейди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 июнь** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тўпланиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-922X
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ